



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “РОССИЙСКИЕ ЖЕЛЕЗНЫЕ ДОРОГИ” КОМПАНИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 май куни “Российские железные дороги” компанияси (“РЖД”) ОАЖ) бош директори — бошқаруви раиси Олег Белозёровни қабул қилди.

Темир йўл алоқалари соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишлари ҳамда бутун минтақанинг транзит салоҳиятини самарали ишга солишга қаратилган муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш йўллари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат темир йўл маъмуриятлари ўртасида, шу жумладан, халқаро тармоқ тузилмалари доирасида анъанавий яқин ва сермахсул ишбилармонлик алоқалари қарор топганини мамнуният билан қайд этди.

Пандемия шароитида, кенг ривожланган ва ўзаро интеграциялашган транспорт коммуникациялари, энг аввало темир йўллар коронавирус оқибатларига муваффақиятли қарши курашиш ҳамда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жадал суръатини сақлаб қолишга хизмат қилгани таъкидланди.

Амалий шерикликни кенгайтириш, жумладан, мамлакатимизда темир йўллар тизимини такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик қилиш, юк ташишлар ҳажмини кўпайтириш учун қулай шароитларни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш механизмларини йўлга қўйиш, йўловчи поездларининг қатновини қайта тиклаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро молиявий институтларни жалб қилган ҳолда “Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўлини қуриш лойиҳасини биргаликда илгари суриш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Лойиҳани ҳар томонлама тайёрлаш, шу жумладан, техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва қурилишни тез фурсатда бошлашга қаратилган ишларда иштирок этиш юзасидан келишувга эришилди.

“РЖД” раҳбари Олег Белозёров тармоқ компаниялари темир йўллар соҳасидаги шерикликнинг устувор вазифаларини амалга оширишда кенг қўламда ҳамкорлик қилишга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

МУНОСАБАТ

ПАРАЛИМПИА СПОРТ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ КАСБ ЭТДИ

Мухторхон ТОШХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Миллий
паралимпия ассоциацияси
раиси

Юриш, кўриш, эшитиш, ушлаш бахти... Унинг қадрига ҳар доим ҳам етасанми. Соғлом одам ишга, ўқишга, маросимларга шошиб юради-ю, аслида бу бениҳоя бахт эканини ўз вақтида англаб етмайди. Юролмаган инсон унга олмаган қуш мисолдир. Тўшакка миҳланиб қолган одамнинг дардини ўзичалик ҳеч ким ҳис қилмайди. Умидсизлик, тушкунлик кишини ҳаётнинг фақат қора жиҳатларига ошно қилиб қўяди.



Аммо чекланган имконият билан ҳам инсон юксакликка парвоз эта олиши, орзуларини амалга ошириши мумкин. Санъат, маданият, адабиёт сингари, албатта, спорт ҳам бу борада кишига катта ёрдам беради — кишига умид бағишлайди, ишонч улашади, ҳаётни ёрқин лаҳзаларга буркайди. Тўғри, бу осон кечмайди. Унинг ортида ҳам заҳмат, машаққатли машғулотлар

бор. Бу эса иродани тоблайди, матонат бағишлайди, инсон имкониятлари бениҳоя чексиз эканини исботлайди.

Президентимиз кўни кеча имзолаган “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда паралимпия ҳаракати умумимиллий макомга эга бўлди. Бу нафақат биз — паралимпиячилар, балки ҳаётга иштиёқсиз боқаётган юзлаб ҳамюртларимиз учун ҳам қутилмаган тўхфа бўлди.

Кўпчилик 2016 йилги Рио-де-Жанейро Паралимпиадасини унутмаган бўлса керак. Ушанда Ўзбекистон паралимпия терма жамоаси аъзолари 5 та спорт турида 8 та олтин, 6 та кумуш ва 17 та бронза, жами 31 медални қўлга киритган, умумжамоа ҳисобида 159 мамлакат орасида 15-ўринни эгаллаган эди. Бу юртимиз спорти тарихидаги энг ёрқин натижа сифатида қайд этилган.

Давоми 7-бетда

САЙЛОВ — 2021

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА
АСОСИЙ ТАДБИРЛАР ДАСТУРИНИНГ ИЗЧИЛ ИЖРОСИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
АЪЗОСИ СУЯРЖОН ҚУРБОНҚУЛОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури қабул қилиниб, ижросига киришилганига бир ойдан ошди. Бундай пайтда ҳар кун — ғанимат. Утган вақт мобайнида дастур ижроси бўйича амалга оширилган ва оширилаётган ишлар ҳақида дастлабки ҳулосалар қандай?

— Миллий сайлов тизимининг турли даражадаги — участка сайлов комиссиясидан то Марказий сайлов комиссиясигача бўлган барча бўғин-

ларида фаолият юритиб, анча-мунча тажриба ортирган сайлов ташкилотчиларидан бири сифатида айтишим мумкин, Президент сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастурининг ижросига ҳар қачонгидан жадал ва тизимли равишда киришилгани дарҳол сезилди. Барча даражадаги сайлов ташкилотчилари сайловга тайёргарлик кўришга, халқимиз толиб айтганидек, бир ёқадан бош чиқариб, астойдил киришди. Тайёргарлик ишлари Марказий сайлов комиссияси томонидан мувофиқлаштириб борилмоқда.

Давоми 2-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ — АМАЛДА

ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИ МУАММОСИГА
ОҚИЛОНА ЕЧИМ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Давлатимиз раҳбари 2020 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТнинг 75-сессиясида сўзлаган нутқида Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш, ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш кўни сифатида нишонлаш таклифини илгари сурган эди.

Жорий йил 18 май куни БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган мазкур резолюция лойиҳаси кўриб чиқилди ва халқаро ташкилотга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Аслида, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасида амалга ошираётган кенг қўламли

ишларининг амалий тасдиғи сифатида юзага келди. Хусусан, давлатимиз раҳбари 2018 йил 16 октябрда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Орол денгизи халқаро инновацион марказини шакллантириш тўғрисида”ги фармони имзолади. Ушбу марказ денгизнинг қуриган тубидаги шўрланган ерларда экотизим ва барқарор турмуш даражасини таъминлаш, халқаро ташкилотлар билан ҳудуддаги турли

муаммолар ечимини ва инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш бўйича ҳамкорликни ташкил этиш масалалари билан шугулланади. Айни кезде “Мўйноқ” ва “Саманбай” таъриб-синов майдонларида шўрланиш ва қургўчиликка чидамли ўсимликлар генофондини шакллантириш, ўсимлик дунёси объектларини синовдан ўтказиш ишлари олиб бориляпти. Шу билан бирга “My garden in the Aral Sea” (“Оролдаги боғим”) агро ва экотуризм лойиҳаси амалга ошириляпти.

2018 йилда Президентимиз ташаббуси билан ҳамда БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун кўпшериклик Траст жамғармаси ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар жамғарма фаолияти учун донор мамлакатларнинг жами 26,1 миллион АҚШ долларига тенг маблағи жалб қилинган ва 47 та лойиҳа шакллантирилган.

Давоми 7-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ҳиндистон матбуоти:

БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Президентининг
Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича
ташаббусини бир овоздан маъқуллади

Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Президенти томонидан Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича илгари сурилган резолюцияни бир овоздан қабул қилгани ҳақида тезкор маълумотлар тарқатди.

Мамлакатнинг нуфузли нашрларидан бири бўлган “International Affairs Review” ўз веб-саҳифасида Ўзбекистоннинг Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этишга қаратилган савий-ҳаракатларига бағишланган мақола эълон қилди.

Мақола муаллифи Адити Бхадурининг ёзишича, Ўзбекистон раҳбарининг бу борадаги ташаббуслари глобал иқлим ўзгараётган ҳамда экологик ҳалокатлар тезлашаётган бир

вазиратда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг миқёсли ва ўта муҳим комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, деб таъкидланади мақолада. Бу борадаги муҳим йўналишлардан бири сифатида Орол денгизи қуриши оқибатида юзага келган муаммоларни ҳал этиш белгиланган.

Давоми 2-бетда

САЙЛОВ — 2021

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА АСОСИЙ ТАДБИРЛАР ДАСТУРИНИНГ ИЗЧИЛ ИЖРОСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОСИ СУЯРЖОН ҚУРБОНҚУЛОВ БИЛАН СУЎБАТ

Бошланиши 1-бетда

Шу ўринда, бу ғайратнинг боиси нимада, деган савол туғилиши табиий. Аввало, мамлакатимизда мустақхам қарор топган тинчлик-осойишталикда, фуқароларнинг аҳилчилигида, яратувчанлик завқи-шикоати баянлигида. Халқимизга хос меҳнат-кашлиқда, ишнинг кўзини билиб қилишда. Бағрикенглигу донишмандликда.

Буллар шунчаки, йўлига айтилаётган баландларвоз гаплар эмас. Халқимиз биладики, тинчлик қарор топган юрдада хотиржамлик, кўт-барака, жамиятда юксалиш ва ривожланиш бўлади. Одамларнинг ўзаро ишончи ва садоқати, меҳр-муруватининг самимийлиги ҳам аслида эл-юртимиздаги ана шу тинчликнинг самараси, мевасидир.

Мен хизмат юзасидан юртимизнинг кўп жойларида бўлман. Маҳаллий ҳокимият вакиллари, сайлов ташкилотчилари ва сайловчилар билан суҳбатлашман. Қайси шахар ёки қишлоққа бормай, ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам катта ўзгаришларга, фуқароларнинг кўтаринки кайфиятига гувоҳ бўлман ва шукроналар келтирман.

Бугунги одамларимиздаги ғайрат-шижоатнинг ана бир сабаби жамият ҳаётининг барча жаҳалларида изчиллик ва дадиллик билан кечаётган демократик ислохотлар бераётган юксак самараларни халқимиз ҳар қадамда қўриб-билиб турганида, рўёбга чиқарилаётган ўзгаришларни улкан ишонч ва катта умид билан қўллаб-қувватлаётганида, деб биламан.

Буни мамлакатимиз сайлов тизимини ислох қилиш ва янада демократлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилигимизни сайлов ҳуқуқига оид халқаро стандартларга ўйналантиришга алоҳида эътибор қаратаётганида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир жорий йил 8 февраль куни қабул қилинган қонун билан сайлов қонунчилигининг такомиллаштирилиши бунинг ёрқин далили бўлди.

— Дарвоқе, буни нафақат миллий экспертларимиз, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижлик сиёсатчилар, экспертлар ва журналистлар ҳам кенг эътироф этмоқда...

— Тўғри. Бир мисол. Яқинда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) директори Маттео Мекаччи ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг мақбул тавсиялари Ўзбекистон томонидан қабул қилинаётганидан мамнуният билдирар экан, “Шундай ҳамкорликни давом эттиришга доимо тайёرمىз”, деб алоҳида таъкидлади.

Немис журналисти Фолькер Нэф Европанинг машҳур “Allgemeine-Berliner-

Zeitung” онлайн газетасида салмоқли таҳлилий мақоласини эълон қилди. Мақолада янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини, жумладан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш борасидаги кенг кўламли ишларга юксак баҳо берилган. Муаллиф 2016 йилдан Ўзбекистон янги тараққиёт босқичига қадам қўйганини алоҳида таъкидлайди. Утган давр мобайнида мамлакат ҳаётининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларида ғоят улкан ислохотларни амалга оширишга эришилди. Ушбу юксалиш жараёнида инсон ҳуқуқларини кенг таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, жамиятни демократлаштиришга қаратилган ислохотларнинг энг муҳим йўналишларига айланди. “Юксак мақсад сифатида энг илғор халқаро стандартлар, ҳамкор сифатида эса БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар танланган”, деб қайд этади хорижлик журналист.

Бундай эътирофларни яна кўплаб келтириш мумкин.

— Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларга биноан, энди Президент сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари сайлови уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилади. Сайловга тайёргарлик ишларини жадаллаштиришга ана шу омилнинг ҳам таъсири бўлса керак?

— Албатта, кенг жамоатчиликнинг тақлифига биноан, сайлов ўтказиш муддатининг қаҳратон қиш — декабрдан, илқ кунлар — октябрь ойига қўйрилиши, сайлов қонунчилиги ва амалиётига киритилган бошқа муҳим ўзгаришлар ва қўшимчалар сайловга ҳар қачонгидан сифатли, тизимли ва жиддий тайёргарлик қўришни тақозо қилади. Юқорида айтганингиздек, бундай пайтда ҳар кун ғанимат.

Сайловга тайёргарлик, аввало, миллий сайлов қонунчилигини ва умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартларини пухта ўрганишдан бошланади. Шу жиҳатдан қараганда, Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент сайловида тайёргарлик қўриш ишлари бу борадаги асосий тадбирлар дастури қабул қилинишидан аввалроқ бошланган эди, десам айни ҳақиқатни айтган бўлман.

— Шу ҳақда батафсилроқ муҳлиб ўтсангиз.

— Сайлов қонунчилигига жорий йилда киритилган ўзгариш ва қўшимчалардан кенг жамоатчилиكنи хабардор этиш мақсадига Марказий сайлов комиссияси ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тизимли ишларни амалга ошираётгани-

ни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунда оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда юзлаб чиқишлар ва сайловчилар билан бевосита мулоқотлардан самарали фойдаланилмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи ва жойларда фаолият юритаётган аъзолари, етакчи мутахассислари ва сайлов бўйича экспертларнинг эллиқдан ортиқ мақола, суҳбат ва шарҳлари чоп этилди. Улар телерадиоканалларда таъкил этилган ва этилаётган мунозаралар, давра суҳбатлари ва бевосита мулоқотларда мунтазам иштирок этмоқда. Бу жараёнда асосий эътибор сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришга, аҳолининг сайлов жараёнидан хабардорлигини, сайловга ишончини ошириш ва дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга қаратилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси аъзоси сифатида оммавий ахборот воситалари — телерадиоканаллар, газеталар, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги қатор чиқишларимдан ташқари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ана шундай давра суҳбатига ҳам иштирок этдим. Мазкур олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, талабалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган учрашув зиёлиларимизнинг, айниқса, ёшларнинг Президент сайловида қизиқиши, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик туйғуси баланд эканини яққол кўрсатди. Баҳс-мунозара ва савол-жавоблар роса қизиди.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда “Янги Ўзбекистон: сайлов ҳуқуқининг янги қафолатлари” мавзусида ташкил этилган тадбир, гарчи расман “семинар” деб аталган бўлса-да, турли миллат вакилларидаиборат сайловчилар билан самимий суҳбатга айлани кетди. Тадбирда мазкур қўмита раҳбарлари ва масъул ходимлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимизда фаолият юритаётган Миллий маданий марказлар ва Дўстлик жамиятлари вакиллари иштирок этди. Турли ёш, турли касб, турли миллат вакиллари, ҳатто турли тилларда гапирган бўлса-да, уларни ягона мақсад — Ватанимиз Ўзбекистонга меҳр, эл-юрт тақдирига дахлдорлик, Президент сайловида улкан қизиқиш бирлаштириб турарди. Бундай аҳиллики ва бирдамлиқни қўришнинг ўзи кишига катта қувонч, Ватанимизнинг, халқимизнинг истиқболига улкан ишонч бағишлайди.

Бундай очик ва самимий мулоқотларни Марказий сайлов комиссияси томонидан бошқа олий таълим даргоҳлари, илмий муассасалар, ташкилотлар ва маҳаллаларда ўтказилган тадбирларда ҳам қўриш мумкин.

— Президент сайловида тайёргарлик қўриш бўйича асосий тадбирлар дастурида сайлов участкаларининг чегараларини олдидан аниқлаш, участка сайлов комиссиялари жойлашадиган бино ва хоналари инвентаризациядан ўтказишга доир вазифалар ҳам ўз ифодасини топади. Кўпчиликнинг савий-ҳаракатини талаб қиладиган бундай ишларнинг ижроси қандай аёволда?

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларидан олинган маълум-



отларга қараганда, Кадастр агентлиги, Ички ишлар, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ҳозирча мамлакатимиз бўйича 10 797 та сайлов участкасининг чегаралари аниқланган.

Айни пайтда участка сайлов комиссиялари жойлашадиган бинолар ва хоналар инвентаризациядан ўтказилиб, уларнинг сайлов жиҳозларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш ишлари якунланмоқда. Сайлов участкаси пешлавҳаси, бўлажақ номзодларга доир маълумотлар, сайловчилар рўйхати жойлаштирилмадиган стендарлар, сайлов участкаси йўл кўрсаткичларининг дизайн намуналари тайёрланди.

— Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, Ўзбекистоннинг чет давлатларда истиқомат қилиб турган фуқароларини дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобига бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, хорижий мамлакатларда сайловчилар яшайётган ёки ишлаётган жойида қўйма қўйишлар овоз беришнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Қонунчиликда яратилган

бундай кенг имкониятлардан амалиётда фойдаланиш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Аввало, хориждаги фуқароларимизнинг сайловдаги иштирокини кенг таъминлаш бўйича вазифалар аниқ белгиланган. Мамлакатимизнинг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари вакиллари иштирокида яқинда навбатдаги видеомулоқот ўтказилди. Унда хорижда шакллантирилмадиган сайлов участкаларини, шу жумладан, кўчма сайлов қўтилари ёрдамида (Ўзбекистон фуқаролари зич яшайдиган ва ишлайдиган жойларда) овоз бериш

датларда ва сифатли таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси ҳамда Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети, Бош прокуратура академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди.

Ушбу ҳужжат Президент сайлови ва сайловолди жараёнларини юксак савияда ташкил этиш учун сайлов жараёни ташкилотчиларининг сайлов қонунчилиги ҳамда амалиётига оид билими ва амалий кўникмасини янада ошириш, давлатимиз фуқароларининг амалдаги сайлов институтларига ишончини мустаҳкамлаш, шунингдек, мамлакатимиздаги кенг кўламли инсонпарвар ислохотларга дахлдорлик туйғусини юксалтириш борасида кўп томонлама манфаатли ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш мақсадида имзоланди.

Ҳамжиҳатликда қилинаётган бундай тизимли ишларнинг дастлабки натижаси аён. Давлат бошқаруви академиясида сайлов комиссиялари аъзоларига номзодлар ва сайлов жараёни бошқа ташкилотчиларнинг малакасини ошириш учун масъул республикага тренерлари ҳамда масъул шахсларнинг семинар-тренинглари бўлиб ўтди.

Бир ҳафта давом этган семинар-тренинг Давлат бошқаруви академияси ва Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчиларидан иборат экспертлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастури ва ўқув-методик материаллар асосида айнан шу экспертлар томонидан олиб борилди. Жараёнда ўн иккита мавзуда видеодарс ва видеороликлар тасвирга олинди. Мазкур академия ва университет экспертлари билан ҳамкорликда “Сайлов қонунчилиги ва амалиёти” ўқув-амалий қўлланмаси тайёрланди ва нашрга берилди.

Бу семинар-тренинглар — Президент сайлови жараёни ташкилотчиларининг сайлов қонунчилиги бўйича малакасини ошириш тизимининг дастлабки босқичи. Бу каби кенг қамровли ўқувлар бутун республикамиз бўйлаб 17 майдан бошлаб бўрилди.

Марказий сайлов комиссиясининг Президент сайловида тайёргарлик қўриш бўйича асосий тадбирлар дастури тасдиқланган мажлисида бир ибратли гап алоҳида таъкидланди: Президент сайлови — қайси ташкилотда ишлашмишдан қатъи назар, сайловни ташкил этувчилар учун ҳам, сайловда иштирок этадиган сиёсий партиялар учун ҳам, сайловчилар учун ҳам, оммавий ахборот воситалари учун ҳам ғоят катта масъулият юклайдиган муҳим сиёсий жараён. Бу масъулиятли жараёндан ёрғусиз билан ўтиш барчамизнинг шарафли бурчимиз.

Наргис СОБИРОВА суҳбатлашди.

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Ҳиндистон матбуоти:

БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Президентининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича ташаббусини бир овоздан маъқуллади

Бошланиши 1-бетда

Шу боис, бугун дунёда Орол фожиаси билан боғлиқ салбий ўзгаришлар нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки глобал миқёсда ҳам барқарор ривожланишга таъсир қиладигани ҳақидаги тушунча халқаро ҳамжамиятда тобора мустаҳкамланмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил сентябр ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сузлаган нутқида дунё ҳамжамиятининг эътиборини Орол инқирозининг бутун минтақага ҳалокатли таъсир кўрсатаётганига яна бир бор эътибор қаратди, — деб таъкидланади мақолада. — Ўзбекистон Президенти сессияда Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар зонаси, деб эълон қилишни тақлиф қилди. Шавкат Мирзиёевнинг нуфузли халқаро минбарлар, жумладан, юқори даражадаги минтақавий тадбирларда илгари сўрган ташаббус ва тақлифларининг барчаси амалиётга изчил татбиқ этилмоқда”.

Шу нуктадан назардан, муаллиф 2021 йил 18 май куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар зонаси, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюциянинг бир овоздан қабул қилинганини мамнуният билан олқишлайди.

Қайд этилишича, ҳужжат БМТга аъзо давлатлар, фондлар, дастурлар ва агентликлар, халқаро молия институтлари ва бошқа манфаатдор томонларни Орол денгизи минтақасида барқарор ва инклюзив ривожланишни таъминлаш учун экологик, энергия ва сувни тежайдиган технологиялар ишлаб чиқариш ва жорий этишга даъват қилади.

Мақолада Орол денгизининг қуриган майдони ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу кўрсаткич 4,5 миллион гектарни, хусусан, Қозоғистон ҳудудида 2,2 миллион гектар ва Ўзбекистонда 2,3 миллион гектарни ташкил этади. Маълум қилинишича, ҳар йили денгиз тубидан 100 миллион тоннагача туз чанглари қўтарилиб, узоқ масофаларга етиб бормоқда, минтақа аҳолиси саломатлиги, табияти ва иқтисодиётига тузатиб бўлмас зарар етказмоқда.

“Шу муносабат билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Орол муаммоларини ҳал этишга қаратилган ёндашуларда туб ўзгаришлар кўзда тутилган эди, — деб қайд этади муаллиф. — Хусусан, глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизини қўриши оқибатларининг қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва одамлар ҳаётига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгиланган эди”.

2017 йил январь ойида ушбу вазифалар ижроси доирасида 2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича Давлат дастури қабул қилинди. Уша йили ушбу жараёни ишончи ва барқарор молиялаштиришни таъминлаш учун Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жағмармаси таъсис этилди. Олий Мажлис Сенатида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича қўмита тузилган, шунингдек, табиий офат оқибатларини юмшатиш, экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамда маҳаллий аҳоли ҳаётини яхшилашга қаратилган қарийб 800 миллион долларлик 67 та лойиҳа амалга оширилгани тўғрисида хабар қилинган. Сўнгги маълумотларга кўра, Орол денгизининг қуриган тубидидаги ўрмон плантацияларининг умумий майдони 1,2 миллион гектарга етган.

Муаллиф 2018 йилда ўн йиллик танаффусдан сўнг Туркменистонда Оролни қўқариш халқаро жағмармасининг йиғилиши бўлиб ўтганини таъкидлайди. Ўзбекистон раҳбари мазкур тузилмани минтақа давлатлари ўртасида ушбу йўналишдаги ҳамкорликнинг ягона таъсирчан механизми бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Мақолада минтақада ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган амалий чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Гап инновацион лойиҳаларнинг ягона рўйхатини шакллантириш ва улар учун муддатли имтиёз, кредитлар ва грантлар ажратиш, шу мақсадда Ўзбекистон Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил қилиш, денгизнинг қуриган тубида саксовул қўчатлари экиш ҳақида кетмоқда. Саксовулзорлар кум ва туз қатламларини ушлаб қолиш, тупроқ таркибини ўзгартириш, биологик хилма-хиллиқни қайтариш ва бошқа тадбирларга ёрдам беради.

“Президент Шавкат Мирзиёев юксак минбарлардан туриб жаҳон ҳамжамиятини бир неча бор денгизнинг қуриши натижасида келиб чиқаётган оқибатларни бартараф этиш учун халқаро савий-ҳаракатларни фаол равишда бирлаштиришга қақирди, — деб таъкидлайди муаллиф. — 2017 йил Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида Орол денгизини харитасини ва унинг фожиаси кўламини аниқ намоёйиш этди. Шу боис, ушбу сессияда Ўзбекистон раҳбарининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст жағмармасини ташкил этиш бўйича ташаббуси дунё ҳамжамияти томонидан қизгин қўллаб-қувватлангани, айниқса, муҳимдир. Орадан бир йил ўтди, 2018 йил 27 ноябрь куни Нью-Йорк-

да БМТ Бош қароргоҳида Траст жағмармаси иш бошлади”.

Муаллиф Нукус шаҳрида 2019 йил 24-25 октябрь кунлари БМТ шафелигида бўлиб ўтган юқори даражадаги “Оролбўйи — экологик инновация ва технологиялар зонаси” халқаро конференцияни ана шундай муҳим воқеалардан бири сифатида эсга олади. Конференцияда халқаро ҳамжамиятнинг экологик фалокат оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга қаратилган савий-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлиги билан боғлиқ долзарб масалалар кўтарилди. Ушбу форум ва бошқа тадбирлар қисқа вақтда зарур сармояларни жалб қилишга ва БМТ Траст жағмармасининг фаол иш бошлашига имкон берди.

“Бугунги кунда жағмарма томонидан 26,1 миллион доллар миқдоридида маблаг тўпланган, — деб ёзади Адити Бхадури. — Кейинги 5 йилда минтақада янги иш ўринлари яратиш, табиий офатлар зонасида ижтимоий ва табиий шароитларни яхшилаш учун яна 123,2 миллион доллар жалб этиш режалаштирилган”.

Жағмарма Оролбўйи аҳолисига жаҳон ҳамжамияти томонидан амалий ёрдам беришга қаратилган йирик ва узоқ муддатли лойиҳаларни амалга ошириш учун муҳим халқаро майдончага айланган таъкидланган.

Ривожланиш бўйича шериклар — Европа Иттифоқи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислот тараққиёт банки, БМТнинг Атроф-муҳит дастури, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги, қатор мамлакатлар вакиллари Оролбўйи минтақасининг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирмоқда.

Мазкур долзарб масала минтақа давлатлари

раҳбарларининг диққат марказида экани таъкидланган. Хусусан, 2018 ва 2019 йилларда Нур-Султон ва Тошкентда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашувларида Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари қабул қилган ҳужжатларда бошқа долзарб масалалар қатори Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам қўриб қилинди.

Ҳиндистонлик журналист Ўзбекистон Президенти 2020 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида Орол инқирозининг бутун минтақага ўтказаетган таъсирга эътибор қаратиб, Оролбўйи экологик инновация ва технологиялар зонаси, деб эълон қилишни тақлиф қилганини таъкидлайди.

“Бугун суз Орол денгизини қайтариш ҳақида эмас, балки ҳеч бўлмаганда унинг қуриб қолиши билан боғлиқ ориқли оқибатларнинг одамлар ҳаётига таъсирини бартараф этиш тўғрисида кетмоқда, — деб ҳулоса қилади мақола муаллифи. — Орол денгизининг ҳалокатига инсон сабаби бўлган, бироқ айнан унинг ўзи ушбу минтақадаги ҳаётни яхшилашга қодир. Собик денгиз тубида буй ростлаётган даррахт ва бутазорлар бундан дарак бермоқда. Минтақа кўз ўнгимизда том маънода ўзгариб бормоқда, одамлар тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда, замонавий уйлар, йўллар, мактаблар, шифохоналар қурилмоқда. Бу ерга хорижий сармоядорлар келмоқда, дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар сони кўпаймоқда. Буларнинг барчаси Оролбўйи минтақаси қайта тикланаётгани ва катта истиқболларга эга эканидан далолатдир”.

“Дунё” АА

Декли

УЧИНЧИ ТАШАББУС

АҲОЛИ ВА ЁШЛАР
ЎРТАСИДА КОМПЬЮТЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ҲАМДА ИНТЕРНЕТДАН
САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШГА
ҚАРАТИЛГАН

5

МУҲИМ
ТАШАББУС

ROBOTICS
Innovation + Application

✓ **132** та Рақамли технологиялар
ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилиб,
21 минг нафардан ортиқ тингловчи
турли йўналишлар бўйича ўқув
курсларини муваффақиятли тугатди.

IT PARK
UZBEKISTAN



Тошкент шаҳрида **АМИТИ**
университети ва ТАТУ
Ўзбек-Беларусь қўшма факультети
фаолияти йўлга қўйилди.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Бир миллион дастурчи”
(ONE MILLION UZBEK CODERS)
лойиҳасига **130** мингдан зиёд тингловчи қамраб олинди, бу
кўрсаткични **300** мингга етказиш кўзда тутилган.



Умумтаълим мактабларида **15 906** та
компьютер синфи мавжуд. **8 891** та
[89 %] мактаб юқори тезликдаги
интернетга уланди.



Лойиҳа доирасида битирувчилар
салмоғи бўйича юқори натижа кўрсатган
Кармана туманидаги **2**-мактаб ва
Қўнғирот туманидаги **39**-мактаб
Ўзбекистон Республикаси Президенти
совғаси — **“SPARK”**
автомашинаси билан тақдирланди.



215 та “Баркамол авлод” болалар
мактабидаги **1 017** та техника,
конструкторлик ва дастурлаш
тўғарагига **27 617** нафар бола
қамраб олинди.



Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
ахборот-коммуникация технологиялари
йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб
ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб
ташkil этилди.

MUHAMMAD AL-XORAZMIY
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
MAKTABI

2020 йилда ҳудудларда **14** та таянч мактаб очилди.

Бу йил **82** та, **2022** йилда **64** та ва **2023** йилда **45** та
ихтисослаштирилган мактаб ташkil этилиши кўзда тутилган.





Шуҳрат СОДИҚОВ,
Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири

Хусусан, учинчи ташаббус доирасидаги ишлар аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, ахборот технологиялари қизиққан йигит-қизларни малакали мутахассис даражасига олиб чиқиш, дастурий маҳсулотлар яратиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилапти.

Ўтган вақт мобайнида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан илғор халқаро тажриба асосида барча шаҳар ва туманлар марказида Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди. Электрон тижорат ва дастурлашни бепул ўргатиш, ахборот технологиялари соҳасида бизнес юритиш бўйича инновацион кўникмаларни шакллантириш, “стартан” лойиҳаларни рўёбга чиқариш бўйича сезиларли натижага эришилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Бирлашган Араб Амирикларининг “Dubai Future Foundation” жамғармаси томонидан амалга оширилаётган “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси ёшларнинг ахборот технологиялари қизиқишини рағбатлантиришда муҳим стратегик қадам бўлди. Ўтган йили лойиҳага 120 мингдан зиёд ўқувчи қамраб олинди. Уларнинг 18 мингдан ортиги курсларни муваффақиятли тугатиб, сертификат олди. Келгусида бу кўрсаткични 300 мингга етказиш ва ёшларни компьютер технологиялари йўналишида бепул ўқитиш ҳамда масофавий таълимни ва дарсларни онлайн ўқатиш имкониятини берадиган ахборот тизимларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Лойиҳа доирасида энг кўп таҳсил олувчилар Навоий вилояти (36,6 минг), Қорақалпоғистон Республикаси (27,6 минг) ва Тошкент шаҳри (24,5 минг) ҳиссасига тўғри келади. Сирдарё (4,3 минг) ва Жиззах (5,9 минг) вилоятлари эса, қуйи поғоналардан ўрин олган.

Бу йил “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида битирувчилар салмоғи бўйича юқори натижа кўрсатган Кармана туманидаги 2-мактаб ва Қўнғирот туманидаги 39-мактаб Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — “Spark” автомашинаси билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари бу йилдан бошлаб халқаро IT сертификатини қўлга киритган ёшлар харажати 50 фоизгача бўлган қисмини қоплаб бериш вазифасини қўйди. Бу сазой-харажатлар учинчи ташаббуснинг тобора кенг қўлоқ ёйишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда ёшлар ва масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имкониятини берувчи “Ёшлар муносабати” электрон платформаси устида изланиш олиб бориляпти. У ёшларнинг илм олиши, касб-хунари бўлиши, бир сўз билан айтганда, ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилади.

Соҳага оид илмий изланишларни давом эттириш, янада кенгайтириш мақсадида Тошкент вилоятида Тошкент ахборот технологиялари университети филиали ҳамда барча ҳудудда техникумлар очилади.

ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИДАГИ ИМКОНИЯТЛАР

Аҳоли, хусусан, ёшларни компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишга ўргатиш учун мамлакатимиз бўйлаб

Бундан уч йил аввал Президентимиз томонидан илгари сурилган беш ташаббус бугун маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Айниқса, навқирон авлод бугун унинг ижобий самараларини ўз ҳаёти мисолида яққол кўриб, гувоҳи бўлмоқда.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЙЎЛ



2021 йилда ҳудудларда 82 та мактаб ташкил этилиб, 164 та гуруҳга 4920 нафар ўқувчи саралаб олинади.

132 та Рақамли технологиялар ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу марказларда 240 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Йигирма бир минг нафардан ортиқ тингловчи компьютер саводхонлиги, дастурлаш асослари, робототехника, веб ва мобил иловалар яратиш, ахборот технологиялари соҳасида инновацион тадбиркорлик асослари йўналишлари бўйича ўқув курсларини тугатди.

Рақамли технологиялар ўқув марказларида компьютер саводхонлиги, рақамли ва IT тадбиркорлик асослари, “Бир миллион дастурчи”, Frontend дастурлаш, Backend дастурлаш, график ва веб дизайн, Android иловалар яратиш, мобил робототехника, киберспорт, SMM, IT English каби 11 турдаги ўқув курси ташкил этилган. Курсларни муваффақиятли битирган ўқувчиларга сертификат берилди.

Хоразмда янги — TechVika ўқув лойиҳаси жорий қилинди. Ундан мақсад минг нафар ўқувчи қизни ахборот технологиялари ҳамда ҳар хил соҳалар бўйича кенг қамровли ўқув дастури орқали юқори малакали мутахассис этиб тайёрлашга қаратилган.

Шу йилнинг 12-13 февраль кунлари Хоразм вилоятида TechVika лойиҳаси бўйича ўтказилган тадбирда 300 нафардан ортиқ хотин-қиз қатнашди. Тадбирдан сўнг ёшларга маҳорат дарслари ўтилди. Ҳозирга қадар 1 минг 210 нафар қиз ушбу лойиҳада иштирок этиш истагини билдирди.

Шунингдек, 19 февралдан 26 февралгача Хоразм вилоятининг Урганч, Хонқа, Қўшқўпир, Шовот, Янгиорик, Богот, Тупроққалъа, Хива, Ҳазорасп, Янгибозор, Гурлан туманлари ва Хива шаҳридаги Рақамли технологиялар ўқув марказларида тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди. 1-9 март кунлари ўтказилган тест синовларида 543 нафар хотин-қиз қатнашди. Иمتиҳондан муваффақиятли ўтган 123 нафар хотин-қиз 10 мартдан Рақамли технологиялар ўқув марказларида компьютер саводхонлиги бўйича ўқишни бошлади.

Шу йил 26 февралда давлатимиз раҳбари раислигида хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий



қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми хотин-қизлар экани, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, жамият ҳаётидаги ўрнини мустақамлаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан экани қайд этилди.

Жорий йилда “ITWomen.Uz-2021” лойиҳаси доирасида хотин-қизларнинг тадбиркорлиги ва компьютер саводхонлигига оид қисқа муддатли оффлайн ва онлайн тренинглар ташкил этиш кўзда тутилган. Уларнинг биринчи босқичи 35 ёшгача бўлган, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизларга мўлжалланган. Унда икки минг нафардан ортиқ хотин-қиз мобил илова ва веб-сайт яратиш ҳамда компьютер дизайнлик фаолияти, шунингдек, оффлайн психологик тренинглар бўйича амалий кўникмаларини ошириши мумкин. Ўқишни муваффақиятли якунлаган 1 минг 228 нафар хотин-қизга сертификат ва турли совғалар тақдим этилади.

ЭҲТИЁЖГА МОС МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР

Юртимизда ахборот технологиялари бозори жадал ривожланиши баробарида IT мутахассисларга эҳтиёж ҳам тобора ошмоқда. Мана шу талабни қоплаш мақсадида корхоналарни малакали IT кадрлар билан таъминлаш учун маҳаллий олий таълим муассасалари қошида IT инкубация марказлари ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунда шундай марказлар Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети, Тошкент молия институтини, Тошкент шаҳридаги Инха университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент шаҳридаги Амита

университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтини, Андижон машинасозлик институтини, Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялар институтини фаолият кўрсатмоқда.

Ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билим ва кўникмасини оширишда IT паркларнинг ўрни бекиёс. Уларнинг резидентларига молиявий, маркетинг, юридик ва бошқа консалтинг хизматлари кўрсатиш билан бирга, таълим йўналишида ҳам қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, технопарк қошида IT академия очилиб, унда қатор йўналишлар бўйича етакчи экспертларни жалб қилган ҳолда ўқув курслари ташкил этиляпти.

Ёшларнинг АКТа қизиқиши юқорилиги инобатга олиниб, Тошкент ахборот технологиялари университетида 2020-2021 ўқув йили учун рақамли иқтисодиёт бакалавр таълим йўналиши ҳамда саккизта янги магистратура мутахассислиги очилди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан мазкур олий таълим муассасасида Ўзбек-Беларусь қўшма факультети ташкил этилиб, 2020-2021 ўқув йили учун 500 талаба қабул қилинди. Умуман, бугунги кунда университет ва унинг филиалларида жами 15 мингга яқин талаба таҳсил олмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги узлуксизликни таъминлашда хориж тажрибасини чуқур ўрганиш, илғор услубларни маҳаллий кадрлар тайёрлаш тизимига татибик этиш долзарб ҳисобланади. Шу боис, 2019 йилда Тошкент шаҳрида Амита университети фаолияти йўлга қўйилди. Унга хорижий мамлакатлардан 17 нафар PhD даражасига эга профессор-ўқитувчи жалб қилинди. Ўтган ўқув йилида 498 нафар талаба мазкур университетнинг биринчи курсини битирди. 2020-2021 ўқув йили учун кириш имтиҳонлари тўлиқ онлайн шаклда ташкил этилиб, мазкур олий таълим муассасасига 384 нафар талаба қабул қилинди.

Поитахтимиздаги Инха университетида ҳам ўқув жараёни қизгин. Айни пайтда ушбу таълим даргоҳида 51 нафар профессор-ўқитувчи ва ассистент фаолият юритапти. Талабаларнинг умумий сони 1 506 нафар.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўнали-

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР РИВОЖИ УЧУН 10 МИЛЛАРД СЎМДАН ОРТИҚ МАБЛАҒ

Президентимизнинг 2020 йил 6 октябрдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига муво-



фик, ўтган йили ихтисослаштирилган таянч мактаблар ташкил этилиб, жиҳозланди. Тизимдаги корхона ва ташкилотлар ҳомий сифатида бириктирилиб, уларнинг моддий-техник базасини мустақамлашга ўн миллиард сўмдан ортиқ маблаг ажратилди. Бу йил 82 та, 2022 йилда 64 та ва 2023 йилда 45 та шундай ихтисослаштирилган мактаб ташкил этиш кўзда тутилган.

2020 йилда ҳудудларда 14 та таянч мактаблар очилди. Ушбу мактабларга жами 1 325 нафар ўқувчи ҳужжат топшириб, жорий йилнинг 12 январь кунини тест синовлари асосида 18 та гуруҳга 630 нафар ўқувчи саралаб олинди. Таянч мактабларининг 14 нафар директори ва 42 нафар информатика фани ўқитувчиси (ҳар бир мактабдан 3 нафардан) Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Абдулла Авлоний номидаги малака ошириш институтини ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (TATU), Тошкент шаҳридаги Амита университети, Тошкент шаҳридаги Инха университети ўқитувчилари томонидан ўқитилди (144 соат).

2021 йилда эса, ҳудудларда 82 та мактаб ташкил этилиб, 164 та гуруҳга 4 920 нафар ўқувчи саралаб олинади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат тест маркази ҳамкорлигида тасдиқланган қабул квоталари асосида киши таътил кунлари ихтисослаштирилган мактабларга иқтидорли ўқувчиларни саралаб олиш бўйича танлов ўтказилди.

Мухтасар айтганда, беш ташаббус доирасида аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш, ёш авлодни билимли ва етук кадр сифатида шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омилдир.

2020-2021 ўқув йили учун 500 нафар талаба қабул қилинди. Умуман, бугунги кунда университет ва унинг филиалларида жами 15 мингга яқин талаба таҳсил олмоқда.





Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Жойларда иш бошлаган Рақамли технологиялар марказлари фаолиятига айнан ёшлар кўпроқ жалб этилмоқда. Ахборот-коммуникация таълим муҳитини яратиш, уни халқаро андозаларга тўлиқ мослаштириш ёшларни бугунги тезкор ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг муҳим омилidir.

“БИР МИЛЛИОН ДАСТУРЧИ” ЛОЙИХАСИ

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ЁРДАМ БЕРАДИГАН ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ёшларимизнинг АКТ соҳасига катта қизиқиш билан қараётгани, айниқса, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси аҳолининг кенг қатламини қамраб олаётгани ҳам қувонарли. Жумладан, марғилонлик Жасур ва Гулноза Холовалар ана шундай марказда тўрт нафар фарзанди билан таҳсил олмақда.

39 ёшли Жасур Холов иқтисодиётнинг турли соҳалари бўйича кўп йиллик тажрибага эга. Айни пайтда у компьютерда бир қатор дастурларда, жумладан, Excel иловасида ишлаш асосларини ўргатади. Турмуш ўртоғи Гулноза ментал арифметика бўйича халқаро тоифали мураббия. Мактабда математика, информатика ва IT га ихтисослаштирилган фанлардан ёшларга дарс беради.

Холовлар оиласи кўпларга намуна. Ота-она фарзандларини ахборот технологиялари соҳасида, кишилар ҳаётини яхшилаш ва жамият тараққиётига ёрдам берадиган инновацион лойиҳаларни яратадиган етук мутахассис бўлишга руҳлантириб келади. Бу ўз натижасини бераяпти, албатта. Бунинг тарихи ҳам ўзига яраша қизик.

Оила бошлиғи “One million Uzbek Coders” (Бир миллион дастурчи) лойиҳаси ҳақида янгиликлар орқали хабар топгач, IT бўйича таҳсил олишга қарор қилади. Оила бошлиғининг бу

бири олдиларига катта мақсад қўйган. Тўнғич қизи Ҳилола Ўзбекистонда архитектура ва қурилиш соҳасини ривожлантиришни мақсад қилган бўлса, Баҳром келгусида тажрибали иловалар яратадиган дастурчи бўлишни ният қилган. Барно оиланинг учинчи фарзанди. У ментал арифметика бўйича халқаро онлайн олимпиада ғолиби. Келгусида ахборот технологиялари йўналишида шахсий мактаб очиб, ёш авлодга “Маълумотлар таҳлили” соҳаси бўйича таълим бермоқчи.

марказларини очиш, аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, ахборот технологияларига қизиқувчи ёшлар салоҳиятидан тўғри фойдаланиш, уларга дастурий маҳсулотлар яратишда кўмаклашиш каби чора-тадбирлар ўрин олган.

Жойларда ташкил этилаётган Рақамли технологиялар маркази ёшларнинг ахборот технологиялари соҳасида чуқур билимга, профессионал дастурчи сифатида оила ва жамиятга ёрдам берадиган инновацион лойиҳалар яратишига замин бўлмоқда.



Оиланинг кенжаси Зумрад дизайнга қизиқади ва бир кун келиб шахсий либослар коллекциясини тузиш ҳамда

Шундай марказлардан бирининг Марғилонда иш бошлаганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Аммо унда ҳафтасига 350 нафар йигит-қиз ахборот технологиялари бўйича таълим олади.

Утган вақт давомида ушбу марказ мутахассислари ўн та, “Рақамли Ўзбекистон” лойиҳаси доирасида эса тўртта лойиҳани амалга оширди. Мана шу тўртта лойиҳа марказга 350 миллион сўм фойда келтирди.

Марказнинг иқтидорли ўқувчиларидан бири 13 ёшли Мустафо Мухаммадов график дизайнга қизиқади.

— Марказда IT бўйича кўп нарсга ўргандим, — дейди Мустафо. — Танишларим иш таклиф қилишди. Бўш вақтимда тайёр дизайнни “жонлантириб”, яъни анимациялаштириб бердим.

Ҳали ўсмирлик остонасидаги Мустафо ҳозир ойига 300-400 доллар ишлаб топади. Ота-онаси, яқинлари бу тиришқоқ, билимли боланинг келажагига катта умид боғлашган.

“IT йўналишида муваффақият қозонаётган салоҳиятли ёшлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Буларнинг барчаси АКТ инфратузилмасини яхшилашга, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бу борадаги саводхонлигини ошириш, салоҳиятини юксалтиришга кенг имконият яратишга қаратилган эзгу ташаббус самарасидир.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ УЗЛУКСИЗЛИК IT МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА АСОСИЙ ОМИЛ



Моҳинур ҚУДРАТУЛЛАЕВА,
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ахборот хизмати масъул ходими

Учинчи ташаббус доирасида қилинаётган самарали ишлар ёшларнинг компьютер саводхонлигини, интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этаяпти.

Таълим тизимида инновацион технологияларни қўллашга қизиқиш ва замонавий усуллари жорий этишга эътибор кун сайин кучаймоқда. Сабаби, илгари ўқув мақсади ёшларнинг тайёр билимларини ўзлаштириб, ёдлаб олишига қаратилган эди. Энди замонавий технологиялар уларни билимини ўзи қидириб топишга, мустақил ҳулосалар чиқаришга ўргатмоқда.

Шу боис, мамлакатимизда мавжуд умумтаълим мактаблари негизда информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилмоқда.

Ўқув жараёнида “ахборот саводхонлиги” ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи ва талаба учун ҳам муҳим. Бундай билимларни ўзлаштириш билан улар маълумот излаш ва йиғиш, ахборот алмашиш усуллари билан, уларни амалда қўллашда ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмайди. Шу туфайли умумтаълим мактабларининг 100 нафар энг яхши информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчисини Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва IT парк маблаглари ҳисобидан мукотоплаш тизими йўлга қўйилди.

Ихтисослаштирилган IT мактабларини замонавий ускуналар, мебель, компьютер техникаси, шунингдек, ўқув адабиётлари, услубий қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш бўйича намунавий лойиҳа ҳамда меъёрлар ишлаб чиқилди.

2021-2022 ўқув йили давомида ушбу мактабларни тўлиқ ишга тушириш мақсадида яна намунавий концепция ишлаб чиқиш, мактабларнинг ўқув дастурига халқаро стандартларга мувофиқ қайта қўриб чиқиш, университет талабаларининг малакавий амалиётни ҳудудларда ўташ тизимини йўлга қўйиш бўйича қатор таклифлар тақдим этилди.

Мамлакатимиз замонавий таълим тизимида турли технологиялардан фойдаланиш ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш имконини беради. Шу мақсадда ахборот-коммуникация технологияларини ўқитишда таълим узлуксизлигига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Айни пайтда Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Тошкентдаги олтинга лицевийда жами икки ярим мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олмақда. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари, Самарқанд ахборот

технологиялари ва Янгиқўрган ахборот технологиялари техникумлари фаолият кўрсатапти. Бугунга қадар имтиҳон асосида 569 нафар ўқувчи саралаб олинди. 2021 йилда эса, ҳудудларда яна 11 та шундай техникум ташкил этилади.

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастурини ишлаб чиқиш жараёни устида қизгин иш кетмоқда. Келгусида рақамли университетларни ташкил этиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, Coursera (АҚШ), EPAM (АҚШ, Беларусь) ва Open University Malaysia (Малайзия) сингари ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда улардан ўқув материалларини олишга келишилди. Бу билан ҳудудлардаги ёшларнинг, жумладан, аёллар ва ижтимоий Ҳимояга муҳтож аҳоли қатламнинг ишдан ажралмаган ҳолда таълим олиш овози рўёбга чиқади.

Ёш авлодга таълим беришда замонавий ахборот технологиялари хизматидан янада самарали фойдаланиш ҳамда янги техника ва технологиялар билан ишлашни ўрганиш мақсадида амалга оширилган ишлардан бири масофадан ўқитиш техникаси ва технологиясидир. У шу пайтгача мавжуд бўлган таълим турларидан ижобий томонлари билан ажралиб туради.

Жумладан, барча ўқувчи ва талабалар, умуман, таълим олишни хоҳловчиларга етакчи университетлар, академиялар, институтлар, тайёрлов марказлари, кадрларни қайта тайёрлаш муассасаларида асосий таълим ва иш фаолиятиндан ажралмаган ҳолда қўшимча таълим олиш имкониятини яратлади.

Масофавий ўқитиш шаклининг дастурий аппарат комплексини яратиш мақсадида “Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида масофавий таълимни бошқариш ахборот тизимлари мажмуаси ҳамда таълим контентларини яратиш ва жорий этиш” лойиҳаси ишлаб чиқилиб, вазирлик томонидан экспертизадан ўтказилган. Масофавий таълимни бошқариш бўйича ахборот тизимининг техник топшириғи, техник лойиҳаси ҳамда ТАТда масофавий таълимни жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Тизим университет структураси, талабалар, ўқув режалари ва дастурларини бошқариш, ўқув материалларини тақдим қилиш, фанларнинг ўқув топшириқларини ҳамда назорат ва

имтиҳонларни, ҳисоботларни назорат қилиш каби асосий модуллардан иборат. Тизимнинг имтиҳонларни бошқариш ва ҳисоботларни шакллантириш модуллари, рейтинг дафтарчасини шакллантириш ва талабаларни курсдан-курса ўтказиш функцияларини яратиш ишлари олиб борилмоқда.

2020-2021 ўқув йилида ўн та фаннинг масофавий таълим контентлари ўзбек ва рус тилларида тайёрланди. Фанлар бўйича жами 320 та видеодарс тасвирга олиниб, монтаж ишлари якунланди. Тақдимот материаллари, назарий билимлар бўйича маъруза матнлари ва билимларни назорат қилиб бориш бўйича тест саволлари тўплами тайёрланди. Масофавий таълим контентлари фанлар ва мавзулар кесимида масофавий таълим платформасига жойланди.

2021 йилда Рақамли технологиялар ўқув марказлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун Жанубий Кореянинг Инвиль дастури тажрибасини ўрганиш, шу орқали ўқув марказларининг ривожланиш дастурига ишлаб чиқиб, икки-учта пилот марказда тажриба-синовдан ўтказиш, марказларда шу йил давомида йигирма минг нафар тингловчини ўқитиш, хорижий ва маҳаллий IT экспертларни ўқув марказларига кенг жалб этиш кабилар режалаштирилган.

Ҳозир IT соҳасида илгари ўртача беш мингдан ортиқ олий маълумотли кадр етишиб чиқади. Шундан уч минг уч юз нафари Тошкент ахборот технологиялари университети ҳиссасига тўғри келяпти. Утган йили Андижон, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарь вилоятларида IT парк филиаллари ташкил этилди. IT парк резидентлари сони 440 дан ошди. Улар томонидан мингта яқин янги иш ўрни ташкил этилди. Дастурий маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми бир триллион сўмдан ошди.

IT парк филиалларида стартап лойиҳаларни амалга ошириш, ёшларни дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш бўйича ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда. Тошкент шаҳрида IT парк резидентларини кўпайтириш ва уларга етарли имкониятлар яратиш доимий эътиборда. Шу мақсадда хориждан жалб қилинган эксперт билан ҳамкорликда умумий майдони 408 минг квадрат метрга тенг ҳудудда инфратузилма объектларини бунёд этиш концепцияси ишлаб чиқилиб, қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Шу йил март ойи якуни бўйича республика микёсида www.uzbekcoders.uz портали орқали рўйхатдан ўтиб “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида таълим олаётганлар сони 200 мингдан ошди. Уларнинг 81 минг нафардан ортиги иштирокчи ва 50 минг нафардан ортиги битирувчи сертификатини қўлга киритди. Ҳудудлар кесимида uzbekcoders.uz порталидан рўйхатдан ўтганлар сони бўйича Навоий вилояти (36 минг 600 нафар), Қорақалпоғистон Республикаси (27 минг 574 нафар) ва Тошкент шаҳри (25 минг 572 нафар) етакчилик қилмоқда.

Фаолият тури бўйича таҳлил натижаларига кўра, умумтаълим мактаблари ўқувчилари жами лойиҳа иштирокчилари орасида 67,2 фоиз билан биринчи ўринда. Кейинги ўринларда олий таълим муассасалари талабалари (13,1 фоиз), иш фаолияти билан банд бўлганлар (5,8 фоиз), коллеж ва лицей ўқувчилари (1,4 фоиз) ҳамда бошқалар (12,5 фоиз).

Лойиҳа доирасида умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида uzbekcoders.uz портали орқали энг кўп рўйхатдан ўтган ва иштирокчилар сони бўйича Навоий вилояти мактаблари етакчилик қилмоқда. Кейинги ўринларда Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган вилояти умумтаълим мактаблари энг фаол мактаблар рўйхатидан жой олган.

Ёш тоифаси бўйича таълим олувчиларнинг асосий қисми, яъни 90 фоиздан ортиғи 13-34 ёшлар хиссасига тўғри келади. 2021 йилдан бошлаб халқаро IT сертификатини қўлга киритган ёшларга харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисми қоплаб берилмади.

Бугунги кун аудиториялари аввалгиларидан катта фарқ қилади. Ҳозир ёшлар куйи ва замонавий марказларда, мактабларда ўқишни хоҳлайди. Шунга монанд аудиториялар ҳам компьютер, iPad, планшет, смартфон ва бошқа турдаги таълим воситалари билан жиҳозланган.

Шунингдек, ҳозирги талабалар аънавий услубда ўқишни истамайди, аксинча, замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим тарафдори. Шунинг учун ахборот технологияларини оммавий ва самарали қўллаш орқали таълим тизимини рақамлаштириш давр талаби. Энди ўқитувчилар ҳам оддий усулда ўқитмайди. Чунки ривожланган давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам интеллектуал салоҳияти юқори авлод вояга етмоқда. Бундай муҳитда камол топаётган ёшларнинг фикрлаши ва ахборотни қабул қилиш тарзи олдинги фикр юритиш ва билим олиш жараёнидан тубдан фарқ қилади.



борадаги ташаббуси фарзандларга ҳам қанот бағишлади.

— Лойиҳа ҳақида хабар топгач, маълумотларни таҳлил қилиш курсини ўташга қарор қилдим, — дейди Жасур Холов. — Чунки кўп йиллар давомида Excel таҳлиллари билан шуғулланганман ва ушбу йўналишда маълумотлар билан ишлаш фаолиятимда катта аҳамият касб этади.

Ота-оналарнинг таъкидлашича, ОМУС курсларида таҳсил олиш болалар учун қийин кечмади. Фарзандларнинг ҳар

веб-дизайнни пухта ўрганишни истаиди. Болаларнинг орзу-истаклари IT соҳасида қизикарли дастурлар яратиш билан муштарак. Шу сабаб бўлса керак, улар бу борада кўникмага тез эга бўлишди. Улар бу борада эгалланган билимлари Ватан рагнақи, оиланинг фаровонлигига хизмат қилишига ишонади.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта муҳим ташаббуснинг учинчисидан рақамли технологияларни бепул ўқитиш



ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН:

МАКТАБ – КОМПЬЮТЕР – ИНТЕРНЕТ

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта муҳим ташаббуснинг учинчиси аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган бўлиб, бу борада барча умумтаълим мактаблари замонавий меҳмонхона, ўқув-хизматчилик материаллар, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминланмоқда.



Тўлиқ интернет тармоғига уланган. Олис қишлоқлар — “Оққамиш”, “Ёнбошқалъа” овул фуқаролар йиғинларидаги 7 та мактабнинг 4 таси оптик тола, қолган 3 таси СДМ тармоғи орқали интернетга боғланган. Шаҳар мактаблари 100 фоиз оптик толага уланган ҳолда фаолият юритмоқда. Шунингдек, ўтган йили ADCL, CDM тармоқлари орқали интернетдан фойдаланиб келаётган кўпгина мактаблар 2021 йилдан бошлаб оптик толали юқори тезликдаги тармоқдан фойдаланмоқда.

Туман марказидан 30-35 километр узоқда жойлашган “Ўзбекистон” овул фуқаролар йиғинидаги 11-умумтаълим мактаби 2021 йилдан бошлаб EDUCATION тарифи асосида юқори тезликдаги интернет тармоғига уланган.

— Дарс ўтиш ва зарур маълумотларга

ўқувчи электрон тарзда баҳоланади. Натижада бу мактабларда кундалик ва журналлар юритилишига чек қўйилиб, ўқувчининг дарсларни ўзлаштиришини интернет орқали назорат қилиб бориш имконияти яратилди. Мактаблар юқори тезликдаги интернет тармоғига тўлиқ уланган, барча билим даргоҳларини бу тизимга ўтказиш режамизда бор.

— Айни пайтда мактаблар 907 та компьютер ва 40 та ноутбук, 9 та электрон доска, 67 та проектор, 75 та принтер билан таъминланган, — дейди Кегейли тумани халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Гулчехра Ерниязова. — Ўтган йили Корейнинг ЭКСИМБАНК иқтисодий ривожланиш ва шериклик жамғармаси иштирокида “Мактаб таълимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 13 та мактабга энг сўнгги русумдаги 193 та компьютер етказиб берилди. Ҳозирги вақтда тумандаги барча 38 та умумтаълим мактабида оптик толали алоқа линияси мавжуд бўлиб, интернетга юқори тезликдаги Education тарифида уланган.

“Ўзбектелеком” Кегейли тумани алоқа бўлими томонидан 4- ва 14-умумтаълим мактабларини ички локал тармоққа улаш тўлиқ амалга оширилди. 9 та умумтаълим мактабида электрон журнал Kundalik.com тизими жорий қилиниб, ўқув жараёнлари тўлиқ электрон тарзда олиб бориляпти.

Шунингдек, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида 1 553 нафар ўқувчи рўйхатдан ўтиб, уларнинг 1 419 нафари сертификатга эга бўлди. Барча умумтаълим мактабларининг 7-11-синф ўқувчиларини мазкур лойиҳага тўлиқ қамраб олиш мақсадида амалий семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Ватанимиз пойтахтидан 1 500 километр узоқликда жойлашган Мўйноқ туманидаги 17 та умумтаълим мактабининг барчаси компьютер жамланмалари ва тўлиқ интернет тармоғи билан таъминлангани ҳам эътиборлидир.

— Туманимиз Қорақалпоғистоннинг энг чекка ҳудудларидан бири. Туманда 23 та умумтаълим мактаби бўлиб, 597 та компьютер, 32 та ноутбук, 15 та электрон доска, 35 та проектор ва 72 та принтер билан таъминланган, — дейди Тахтақўпир тумани халқ таълими бўлими мутахассиси Аллалар Алламбергенов. — Тумандаги 23 та мактабнинг 22 таси интернет тармоғига уланган. Фақат битта мактаб туман марказидан 180 километр узоқда жойлашгани боис, интернет билан таъминланмаган. Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус асосида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мактабларда 31 та тўғрақ ташкил этилган, уларга 450 нафардан зиёд ўқувчи жалб қилинган.

Дарҳақиқат, ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Уларни интернет тармоғидаги турли зарарли хуружлардан асраш, ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш фойда муҳим масалалар. Бу борада Қорақалпоғистонда ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Шерзод ШЕРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири

Бугунги кунда Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида ўғил-қизлар учун кенг имкониятлар очилиб, улардан фойдаланишда аниқ тизимли механизм ишга туширилган. Бу борада қатор ижобий натижаларга ҳам эришилаётир.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Халқ таълими вазирлиги томонидан беш ташаббуснинг ҳар бир йўналиши бўйича сезиларли ишлар бажарилди. Жумладан, биринчи ташаббус доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-синов тариқасида 2 минг 108 та хаваскор ёшлар театр-студияси ташкил этилди. Уларга 224 минг 504 нафар ўқувчи жалб қилинди.

Юртимиз умумтаълим мактабларининг тасвирий санъат ва мусиқа йўналишидаги тўғрақларига 1,1 миллион ўқувчи қамраб олинди. Болаларнинг карантин давридаги бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўтган йили Халқ таълими вазирлиги томонидан ижтимоий тармоқлардаги “Беш ташаббус уйимизда”, “Расмлар танлови”, “Ёш китобхон — 2020”, “Онлайн тўғрақ” саҳифалари ташкил этилди ҳамда 70 дан ортиқ турли акция ва кўрик-танлов ўтказилди.

Иккинчи ташаббус — ёшларни jismoniy chiqartirish, уларнинг спорт соҳасида қobiliyatini namoён қилишига зарур шароит яратиш учун халқ таълими тизимидаги 10 минг 8 та умумтаълим мактабининг 7 минг 700 тасида спорт зали, шунингдек, 29 минг 73 та баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, мини-футбол учун мўлжалланган майдонча

мактабларнинг ташкил этилиши. Шу йил якунига қадар бундай мактаблар сонини 85 тага етказиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, 215 та “Баркамол авлод” болалар мактабидаги 1 минг 17 та техника, конструкторлик ва дастурлаш тўғрақига 27 минг 617 нафар бола қамраб олинди. Жумладан, Тошкент шаҳри “Баркамол авлод” болалар мактаби ва Яшнобод тумани “Баркамол авлод” болалар мактабида “Robokids”, Мирзо Улуғбек ва Шайхонтоҳур туманларида “TRANSFORMERS education” ўқув марказлари билан ҳамкорликда робототехника, муҳандислик ва дастурлаш тўғрақлари йўлга қўйилди.

Умумтаълим мактабларида дастурий таъминот ва IT соҳасини ҳамда ўқувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида 2020 йилда “Йилнинг энг яхши дастурчиси” республика танлови ташкил этилди. Ўшбу танловда 180 нафар ўқувчи иштирок этиб, улардан энг яхши деб топилган уч нафари ғолибликни қўлга киритди.

Келгусида 215 та “Баркамол авлод” болалар мактабида дастурлаш хоналари ташкил этилиб, замонавий компьютер техникаси ва меҳмонхона билан таъминланади.

Шу билан бирга, 2021-2022 йилларда 2 минг 300 та умумтаълим мактабида “Баркамол авлод” бола-



нишни ташкил этиш мақсадида 181 та мактабнинг 7-11-синф ўқувчилари “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқитиш учун танлаб олинган. Улар махсус izbekcoders.uz сайтидан рўйхатдан ўтиб, дастурлаш тилларини ўрганмоқда. Ҳозиргача махсус сайтдан рўйхатдан ўтган ўқувчилар сони 23 430 нафардан ошди.

ўз вақтида эга бўлишда интернет катта имкониятлар яратади, — дейди 11-умумтаълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси Ойбек Жуманиёзов. — Бугун технологиялар асрида мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ўқувчилар билимини ва таълим сифатини оширишга ёрдам беради.



Бугунги кунда таълим тизими сифатида замонавий техника-ю ускуналар билан бирга, интернет ҳам катта ўрин тутди. Тўртқўл туманида жами 66 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларнинг салкам 85 фоизи

— Ортиқча қўғозбозликдан воз кечиш мақсадида 10 та мактабда дарс Kundalik.com тизими асосида ўтилмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими ўқувчиси Руслан Аvezбаев. — Яъни мактабда

ва теннис кортлари мавжуд. 1,2 миллион нафарга яқин ўқувчи спортнинг ўн тўрт тури бўйича спорт тўғрақларига жалб қилинган.

Учинчи ташаббус доирасида аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Вазирлик тизимидаги умумтаълим мактабларида 15 минг 906 та компьютер синфи мавжуд. Шундан 9 минг 26 таси (57 фоизи) компьютер техникаси билан таъминланган. Ҳозиргача 8 минг 891 та (89 фоиз) мактаб юқори тезликдаги интернетга уланди. Бугунги кунда интернет тармоғи борган умумтаълим муассасалари “EDUCATION” тарифига уланган ва мактабда мавжуд имкониятдан келиб чиқиб, 10/40/100 Мбит/с тезликда ишлайди. Бу замонавий технологияларни жорий этишда дастлабки қадамлар қўйилганидан далolat.

Шу кунгача халқ таълими тизимида 20 дан зиёд ахборот тизими ва ресурслари ишлаб чиқилган. Айни пайтда улар амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Таълим жараёнида инновацион шакл ва усуллардан самарали фойдаланиш, умумий ўрта таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, синфлар миқёсида барча мавзулар бўйича видеодарслар базасини яратиш мақсадида Maktab.uz масофавий таълим платформаси ишлаб чиқилган. Ҳозир контент яратиш ишлари бажариляпти.

Ахборот ресурслари орқали ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш учун Edu market, Edu kids, kitob.uz платформалари жорий қилинган. Айни пайтда бу ресурслар тақомиллаштирилмоқда.

Мазкур ташаббус доирасида амалга оширилаётган муҳим ишлардан яна бири бу — ҳар бир вилоятда биттадан ахборот-коммуникация технологияларига ихтисослаштирилган таянч

лар мактабларининг тармоқ тўғрақларини ташкил этиш режалаштириляпти.

Тўртинчи йўналиш доирасида ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, улар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш учун халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган Республика болалар кутубхонаси, 12 та болалар кутубхонаси ҳамда 9 минг 984 та мактаб кутубхонасида жами 15,1 миллион нусха адабиёт фонди мавжуд. Уларнинг 7,8 миллион нусхаси лотин алифбосидаги китоблардир. Китоб фондининг 400 минг 485 таси электрон адабиётдан иборат. Ҳозир 3,1 миллион нафар ўқувчи кутубхонага аъзо.

Бешинчи йўналиш бўйича умумтаълим муассасаларида “Қизларжон”, “Ораста қизлар”, “Моҳир қўллар” тўғрақлари ташкил этилган. Айни пайтда 491 минг 359 нафар қиз бу тўғрақларда оиллага тайёрларлик бўйича билим ва кўникмаларни эгалляпти.

Беш ташаббус оддий ҳаракат эмас. Бир кунда юқори натижа сезилмаслиги ҳам мумкин. Бироқ ҳадемай ҳаётимизга кириб келган янги авлод мутахассислари ўзлари эришган муваффақиятларга мустаҳкам асос сифатида беш ташаббусни тилга олиши, шубҳасиз. Зеро, турли зиддиятлар қучайиб бораётган бугунги дунёда ёшларимизнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқдир. Ёшларни оммавий маданиятнинг турли кўринишларидан асраш ҳамда уларнинг ҳаётда ўз фикри, қатъий позициясига таянувчи ватанпарвар инсонлар бўлиб вояга етишларини мақсад қилган ҳолда Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус бугун мамлакатимиз келажаги бўлиши ёшлар учун айни келажақ йўлини мақсадли белгилаб олишда муҳим пойдевор вазифасини ўтамоқда.



ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ — АМАЛДА

ОРОЛБЎЙИ ХУДУДИ МУАММОСИГА ОҚИЛОНА ЕЧИМ

Бошланиш 1-бетда

БМТнинг Тараққиёт дастури томонидан Оролбўйи ҳудудидаги қишлоқ жойларида бизнес лойиҳалар ҳам қўлаб-қувватланмоқда. Қатор вазирлик ва идоралар билан имзоланган ўзаро англашув меморандуми доирасида 2020 йил “Яшил Орол денгизи” ташаббусига старт берилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижа-сида 100 гектар қуруқ денгиз тубида сак-совул кўчатлари экилади.

2021 йил 25 март куни Давлат экология кўмитаси ҳамда Глобал яшил ўсиш ин-ститутги ҳамкорлигидаги лойиҳани амалга ошириш режалаштирилаётгани билдирил-ди. Унинг умумий қиймати 5,65 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, Халқаро ҳам-корлик бўйича Корея агентлиги (KOICA) томонидан молиялаштирилади. Асосий мақсад Орол денгизи таназзули оқибат-ларини бартараф этишга қўмаклашиш, ҳаётий таъминот ҳамда табиий хавфлар-га барқарорлиқни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилашга қаратилган.

БЎСТОН ЎЗИНГ, РИЗВОН ЎЗИНГ

Ўзбекистон Евросиё материгининг марказий қисмида, денгиз ва океанлар-дан узоқда жойлашган. У Жануб ва Шарқ томондан баланд тоғлар билан ўралган. Ёзда кучли қуёш нури таъсирида қизиб кетган чўллар устида тропик тўзон ҳаво массаси шаклланади. Ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати 28-30 даражани ташкил қилса, энг юқори кўрсаткич 50 даражага-ча етади.

— Ҳозирги вақтда тубдан яшиллани-ш шарт бўлган яйловлар қарийб 10 миллион гектар бўлса, қўчадиган қўлар қарийб 1 миллион гектар майдонни эгаллайди ва ушбу ерларнинг 200 минг гектари сўнгги вақтда сугориладиган майдонлар атрофида пайдо бўлган, — дейди Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси чўлланиш ва қуроқчиликка қарши ку-раш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳожимурод Толипов.

Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги фармони билан 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республика-сининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланган. Ушбу концеп-цияда ерларнинг чўлланиш ва деграда-ция даражасини камайтириш, ер майдон-ларининг сифати ва унумдорлигини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 6

октябрда имзолаган “Ўзбекистон Респу-бликасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 2021 йилда Қорақалпоғис-тон ва вилоятлар ҳудудлари кесимида “яшил қопламалар” барпо этиш ҳажми белгиланган. Бунда режалаштирилган жами 560 минг гектар ернинг 375 минг гектарида ўрмонзор барпо этилади. Ҳу-сусан, Қорақалпоғистондаги ўрмон фон-ди ерларида ва Орол денгизининг суви қуриган майдонларида, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг Оролбўйи ҳудудларида 172 минг гектар ҳамда бош-қа ҳудудлардаги ўрмон фондининг тоғ, водий ва тўқай ерларида 13 минг гектар майдонга дарахтлар экилади.

Ерлар чўлга айланишининг олдини олишда саксовулзорларни кўпайтириш-нинг аҳамияти катта. Соҳа мутахассис-лари, олимларнинг маълумотига қўра, Оролбўйи ҳудудиди барпо этилган 2 ёшли саксовулзорда шамол таъсирида қўм кўчиши 20 фойз, 5 ёшли саксовулзор-да 80 фойз, 7 ёшли саксовулзорда эса тўлиқ тўхтатилади. Натижада Оролбўйи минтақасида иқлим мўътадиллашади, қўмларнинг ҳавога кўтарилиши тўхтади. Инсон яшаши учун иқтимоий-иқтисодий муҳит барқарорлиги таъминланади.

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Мамлакатимизда чўлланиш ва қуроқ-чиликка қарши янгича ёндашув ва инно-вацион ғояларга асосланган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бархан ва текис қўмликларда ўрмонзорлар барпо этишда кичик авиация (АН-2 самолёти, дельта-план) ёрдамида саксовул уруғларини дрозжи шаклидаги донатор ва сочилув-чан ҳолатга келтириб экиш ишлари ана шундай лойиҳалар сирасига қиради.

— Дельтаплан билан экилганда уруғ сочиладиган майдондан кенглиги 20-30 метр, улар оралиғидаги масофа 50-70 метрдан иборат бўлади, — дейди Ҳожи-мурод Толипов. — Уруғларнинг атрофга учиб кетишига йўл қўймаслик керак. Ушбу усулнинг аъъанавий ўрмон барпо этишга нисбатан афзаллиги иш унумдорлигининг юқорилигиди. Агар трактор билан кўнига 40-50 гектаргача уруғ экиладиган бўлса, кичик авиация билан шу ишни 1000-1500 гектарда амалга ошириш мумкин. 2018 йилга келиб экилган уруғларнинг кўкарув-чанлиги 50 фойздан юқори бўлди ва ба-ландлиги 1,5-2 метрни ташкил этди.

Жорий йил январь-март ойларида ушбу усулда Орол денгизининг қуриган ҳудудидаги 280 минг гектар майдонда, шунингдек, Бухоро вилоятида 66 минг, Навоий вилоятида 40 минг ва Хоразм вилоятида 7 минг гектарда ўрмон барпо этиш ишлари бажарилди. Кузги мавсумда бу ишлар яна давом эттирилади.

Ўрмон барпо этишининг янги инно-вацион усулларидан яна бири, бу Орол денгизининг қуриган тубида 40 санти-метр чуқурликда қўм тўплайдиган жўяк-лар олиш, сўнгра махсус қурилма билан уни янада чуқурлаштиришдан иборат. Агар мазкур юмушлар кузда бажарилса, жўяклар 2-3 ойда қўмга тўлади. Кейин унга 1 ёшли саксовул ва бошқа чўл ўсим-ликлари ниҳолларини экиш мумкин.

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот ин-ститутги олимлари олиб борган тажрибага қўра, махсус мослама билан тайёрлан-ган жўякларнинг самарадорлиги шунда-ки, қўмга тўлгандан кейин унга экилган ниҳолларнинг иккинчи йилда кўкариши 85 фойзини ташкил этди. Лекин арик оч-масдан, текис майдонда экилган қўчат-ларнинг сақланиши эса 12 фойз бўлди. Бунга сабаб — қўм тўплайдиган ариклар-да намлик текис ерга нисбатан кўп сақла-нади. Шу усулда қўчат экиш чўл ҳудудла-рида жуда қўл келади.

Мазкур усулнинг самарадорлигини эътиборга олиб, Орол денгизининг қури-ган ҳудудларида 2019 йилда 1126 минг, 2020 йилда 166,3 минг гектар майдонда қўм тўплайдиган жўяк тайёрлаш ишлари амалга оширилди ва 2019-2021 йиллар-да уларга босқичма-босқич қўчат экиш ишлари олиб борилди. Ушбу тажрибани Қизилқум чўлларида ҳам синовдан ўтқа-зиш кўзда тутилмоқда.

Охириги 3 йил давомида биргина Орол денгизининг қуриган ҳудудидида чўлланиш ва эрозияга қарши 2 миллион гектар май-донда ўрмонлаштириш ишлари амалга оширилиб, саксовул ва чўлга чидамли бошқа ўсимликлар уруғи сепилди. Бу ерда ҳар хил турдаги манзарали ва ме-вали дарахт қўчатларини экиш ишлари олиб борилляпти. Бундай майдонлар-нинг кенгайиши минтақада экотизимнинг тикланишига, биологик хилма-хиллик-нинг кўпайишига шароит яратди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Орол денгизининг қуриган ҳудудларида қазил-ган артезиан кудуқлардан сув чиқарили-ш натижасида жойларда сунъий қўллар, уларнинг атрофида қамишзорлар пайдо бўлди, дарахт ва буталар ўса бошлади.



“2021 йил 25 март куни ДАВЛАТ ЭКОЛОГИЯ ҚЎМИТАСИ ҲАМДА ГЛОБАЛ ЯШИЛ ЎСИШ ИНСТИТУТИ ҲАМКОРЛИГИДАГИ ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАНИ БИЛДИРИЛДИ. УНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 5,65 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЕНГ БЎЛИБ, ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА КОРЕЯ АГЕНТЛИГИ (КОИСА) ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ.

Қўмликларда барпо этилган саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан иборат “яшил қоплама”лар улар билан уйғунла-шиб, чўл экотизимлари тикланди, ёввойи ҳайвонлар ва қўшларни ўзига жалб этиш-га, шу ерда яшашга, ин қуришга ва қўла-йишга шароит яратилди. Мониторинг ўтказиш даврида кўплаб ҳайвонларнинг, айниқса, узоқ ўлкаларга учиб кетади-ган қўшларнинг миграцияси, жумладан, қизил оёқли фламинголарнинг муайян муддатга қўниш ва яшаш ҳолатлари ку-затилди.

Бундан ташқари, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтги олимлари то-монидан деградацияга учраган ерларда яйловлар барпо этиш, мавжудларининг махсулдорлигини оширишга доир 2 та лойиҳа доирасида илмий изланишлар олиб борилди. Улардан бири “Қуриган Орол денгизи тубидаги қисман ўсимлик-лар билан қопланган ҳудудларда чўл бутазор яйловлари барпо этиш тизими-ни ишлаб чиқиш” лойиҳаси бўлиб, 3000 гектар майдонда озқабоб терескен, кейреук ва бошқа чўл ўсимликларидан яйловлар барпо этилди. Бу майдонларда уруғдан униб чиққан ниҳолларнинг кўка-рувчанлиги тупроқнинг шўрланиш дара-жасига қараб 20-60 фойзини ташкил этди.

Иккинчиси, “Оролбўйи ҳудудларида ин-тенсив кўпаядиган техник ва яйловбел экинларнинг янги навларини яратиш ва агротехнологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уруғчиликни ташкил этиш” инновацион

лойиҳаси саналади. Унинг доирасида денгизнинг қуриган тубида саксовул, чер-кез, боялиш, кейреук ниҳолларини жадал этиштириш технологияси Тахтақўпир ўр-мон хўжалигининг 2 гектар майдонида жорий этилди. Натижада, қўчатхонада 620 минг туп чўл ўсимликлари ниҳоли этиштирилди (кўкарувчанлик 95,7 фойз). Келгусида чўл ҳудудларида махсулдор яйловлар барпо этишда ушбу тажриба-дан кенг фойдаланилади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Респу-бликаси, Бухоро, Навоий вилоятларининг чўл шароитларида биринчи марта лаван-да, годжи каби доривор ўсимликларни экиш ва саноатлашган павлония план-тацияларини ташкил этиш бўйича ишлар ҳам бошлаб юборилди.

Бу лойиҳалардан кўзда тутилган мақ-сад чўл ва ярим чўлларда иқтисодий фойда келтирадиган ўсимлик турларини аниқлаш ер ресурсларини бошқариш-нинг барқарор усулларини синовдан ўт-казиш, аҳолининг яйловлардан оқилона фойдаланишини янада ошириш орқали экотизим барқарорлигини таъминлаш-дир.

— Албатта, бу ишларни илмсиз амалга ошириб бўлмайди, — дейди Ҳожимурод Толипов. — Шунинг учун илмий-тадқиқот институтлари олимлари билан ҳамкор-лик ва борадаги ишларни давом эт-тириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Орол бежиз инновациялар ва тех-

нологиялар ҳудуди, деб аталмаётган-нига доир қатор мисолларни келтириш мумкин. Денгизнинг қарбий қисмида жуда катта ҳажмда литий мавжудлиги аниқланган. Мутахассисларнинг фик-рича, уни сувдан ажратиб олиб, қувват ҳосил қилувчи батерейкалар ишлаб чиқариш мумкин. Дунёда литийнинг бармоқ билан санарли қонлари мав-жудлиги инobatга олинса, бу борада инвестициялар киритишнинг манфаат-ли ва жозибадор экани намoён бўлади. Шунингдек, ҳудуд газ қонларига эгали-ги, денгизининг қолган қисми артемия цисталарига бойлиги билан ҳам эъти-борни тортади.

Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов айт-ганидек, собиту сайёрада онаизори-миз ҳам, танҳо йўғу бормимиз ҳам шу замин экан, унинг дардларига дармону қалқон ҳам ўзимиз бўламиз. Юртимиз-да кейинги пайтда чўлу биебонлар ва қуриган денгиз тубида яратилаётган “яшил қопламалар” — дунёда муқоби-ли бўлмаган инновацион ишлар қўлами кенгайиб борапти. Демакки, бу борада ҳам элимиз етти иқлимга қарвону сар-бон бўлмоқда. Бунги Президентимизнинг таклифи асосида Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Оролбўйи минтақасини экологик инно-вация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида махсус резолю-циясини қабул қилиши ҳам аққол кўрса-тиб турибди.

МУНОСАБАТ

ПАРАЛИМПИА СПОРТ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ КАСБ ЭТДИ

Бошланиш 1-бетда

Ўтган беш йил ичида паралимпия спорти геогра-фия ва қамров жиҳатдан кенгайиб, паратазқвондо, параканоз ва паракадемик эшкак эшиш, парастол тенниси, парақиличбозлик, парабадминтон, параве-лоспорт каби спорт турларида ҳам юзлаб ўғил-қизлар жўшқин ҳаёт сари ўз орузуларига эришмоқда. Мақсад — Токио — 2020 ва Париж — 2024 Паралимпиадаси, Ханчжоу — 2022 Парасиёё ўйинларида янги зафар-ларни қайд этиш. Паралимпиячиларимиз ҳисобида Токио — 2020 учун 27 та йўлланма нақд қилинган. Олдинда турган бир нечта мусобақалар, якуний рей-тинг жадалларидан сўнг йўлланмалар яна кўпаяди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли ҳудудла-рида 3000 га яқин паралимпиячи спортнинг 19 тури билан шуғулланиб келмоқда. Уларга юзга яқин мала-кали мураббий машғулот ўтайди. Лекин бу аҳолининг жуда ҳам кам миқдорини ташкил этади.

Нега бирданига профессионал спорт, унинг нури-ли ва шуқуҳли ғалабадордан гапни бошлашди? Авва-ло, бир фикрни таъкидламоқчимиз — қўзланган мар-ча қанчалик юксак бўлса, уни забт этишга сарфлана-диган қувват шуңчалар битмас-туганмас манбага бой бўлади. Бу қувват қаердан келади? Яратилаётган шароит ва имкониятлардан омилкорлик билан фой-даланишдан, деб жавоб бергим келади.

Давлатимиз раҳбари қарори билан 2007 йилдан буён Ўзбекистон Паралимпия асооциацияси номи билан фаолият юритиб келаётган ташкилот Ўзбекис-тон Миллий паралимпия кўмитасига айлантирилди. Бу бизни нима беради?

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида паралимпиячи-ларга бунчалик юксак эътибор қаратилмаган. Им-коният ва имтиёзлар, аҳолининг барча қатламлани қамраб олишга йўналтирилган вазифалар қарор қўламини белгилаб беради. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларни, умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан тортиб то олий ўқув юр-тигача бўлган жараёнда имконияти чекланган, ногирон-лиги бўлган барча шахсларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиши, ўзини намoён этишига туртки берилляпти.

Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларни белгилаб олинди. Натижа-да жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратилади ва уларнинг қамрови кенгайди. Шу орқали спорт йўналишидаги таълим муассасаларида бўлимлар ташкил қилиниб, олий спорт маҳоратига эришишни таъминловчи узлуқсиз



яюна тизим жорий этилади. Уларнинг замонавий моддий-техник базаси шакллантирилади. Бундан ташқари, паралимпия спорт турлари бўйича мала-кали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими яратилиб, илмий тадқиқотлар қилиш имконияти кенгаймоқда.

Қўмита паралимпия спорт турларини оммавий-лаштириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, тан-лаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профес-сионал спортчи сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўяди. Бунинг учун спорт объеклари ва иншоотлари техник жиҳатдан айнан паралим-пиячиларимизга мослаштириб берилди. Парас-портчилар ўртасида мусобақалар ва чемпионатлар, форумлар, анжуманлар, семинарлар ўтказилиб, янги номларни кашф этишга эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, мураббийлар, услубчи-йўриқчилар ҳамда бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш, ма-лакасини ошириш ва касбий ривожлантиришнинг замонавий, самарали тизимини жорий этиб борамиз. Шу мақсадда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт универстететида паралимпия спорт турла-ри билан шуғулланадиган мураббийлар ва услуб-чи-йўриқчилар, қўзи оқизлар, қар ва заиф эшитув-чилар, ампутантлар билан ишловчи мутахассислар (сурдо, тифло-сурдо ва халқаро-сурдо таржмонлар) ҳамда бошқа қарларни тайёрловчи Паралимпия факультети, қўмита ҳузурида Паралимпия спорт тур-лари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти ташкил қилинади.

Бунинг учун бизга жойларда паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўлаб-қувватлаш ҳамда мониторинг қилиш мақсадида ташкил этилаётган ҳудудий бўлинмалар катта ёрдам беради.

Жорий йил якунига қадар қўмита ҳузурида паралимпия спорт турлари бўйича клублар ташкил этилади.

Қўмита томонидан қилинадиган энг катта ишлар-дан бири оммавийликни таъминлаш, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган барча шахсларни имкон қадар кенгроқ қамраб олишдан иборат. Бунинг учун 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб “Спорт ҳамма учун” лойиҳаси амалга оширилди, ана шундай шахсларни параспорт турлари билан кенг қамраб олиш, уларни иқтимоий қўлаб-қувватлаш ҳамда жамиятга интеграция қилиш мақсадида бир йилда бир марта Параспорт халқаро фестивали, шу-нингдек, ҳар йили 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кўнига бағишлаб қўзи оқизлар, заиф эшитувчилар ва ампутантлар ўртасида парастол тенниси, 5х5 фут-бол, голбол, параенгил атлетика, паравазэрлифтинг, парабадминтон, шахмат ва бошқа спорт турлари бўйича параспорт фестиваллари ўтказиб борилади. Бу борада бизга Туризм ва спорт ҳамда Халқ таъли-ми вазирликлари ёрдам беради.

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университе-ти ҳамда унинг Нукус ва Фарғона филиалларида, шунингдек, бошқа тегишли олий таълим муас-

“КЎПЧИЛИК 2016 ЙИЛГИ РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ПАРАЛИМПИАДАСНИН УНУТМАГАН БЎЛСА КЕРАК. ЎШАНДА ЎЗБЕКИСТОН ПАРАЛИМПИА ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ 5 ТА СПОРТ ТУРИДА 8 ТА ОЛТИН, 6 ТА КУМУШ ВА 17 ТА БРОНЗА, ЖАМИ 31 МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН, УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА 159 МАМЛАКАТ ОРАСИДА 15-ЎРИННИ ЭГАЛЛАГАН ЭДИ. БУ ЮРТИМИЗ СПОРТИ ТАРИХИДАГИ ЭНГ ЁРҚИН НАТИЖА СИФАТИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН.

“

сасаларида паралимпия кафедраси, шунингдек, “Адаптив соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт” магистратура мутахассислиги очилиши бизни қувонтирди. Ҳужжатда келтирилишича, 2022 йил 1 январдан бошлаб қўмита тавсиясига, асосан, олим-



АДИБЛАР ХИЁБОНИ

АДАБИЁТ — ХАЛҚНИНГ ЮРАГИ, ЭЛНИНГ МАЪНАВИЯТИ КЎЗГУСИ

Бугунги пойтахтимиздаги Адиблар хиёбони фойдаланишига топишрилганига роппа-роса бир йил тўлди

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсир кучи бекиёс. Адабиёт — халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бундан роппа-роса бир йил муқаддам пойтахтимиз марказида Адиблар хиёбони барпо этилиши у ерда муборак сиймолари ўрнатилган ҳар бир ижодкор ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этиш ишларига юксак даражада эътибор берилётгани ҳам айни шу мақсадларга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистонда кечаётган туб ўзгаришлар, миллий, маърифий, маънавий тикланишлар даврида миллатнинг виждонлари саналмиш адиблар ижодиға, боболаримизнинг меросига янгича илмий қарашларни бугуннинг ёшлари онгига синдириш янги қиёфада кўринаётган мафкурамизнинг бош мақсадидир.

2017 йил 18 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Бундан кўзланган мақсад, Миллий боғни халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қила-

яҳлит меъморий ансамбли яратилди. Бу тарихий воқелик адабиётимизни яна бир поғона юксакликка кўтарди.

Ушбу маърифат маскани ҳудудидан анча йиллар тайинли ўзи биноси йўқлигидан сарсон юрган Ёзувчилар уюшмасига ҳам ўта замонавий янги “бошпана” учун жой ажратилди.

— Бадий ижод, аввало, руҳий-ботиний ҳодиса эканини ҳеч ким инкор этмайди албатта, шу билан бирга, у кўп жиҳатдан соғлом ташқи муҳитга ҳам боғлиқ. Яъни қалам аҳли сокин, ҳушманзара ва табиий турфа хиллик мавжуд жойда илҳом билан ижод қилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хуришд Дўстмуҳаммад. — Хусусан, бу адабиёт даргоҳига

буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”.

2020 йил 20 май. Бу кун миллий адабиётимиз соломасида зарҳал ҳарфлар билан битиладиган саналардан бири бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мутлақо янги қиёфага кирган Адиблар хиёбонида бир гуруҳ ижодкорлар, зиёлилар ва пойтахтдаги олий ўқув даргоҳларининг раҳбарлари билан самимий мулоқот қилди.

— Адиблар хиёбонини барпо этиш менинг кўп йиллик орзум, керак бўлса, армоним эди, — деди давлатимиз раҳбари. — Негаки, бу ерга ҳайкаллари қўйилган муҳтарам адибларимиз олдида ҳаммамиз қарздормиз.

Суҳбат адабиёт, соҳир сўз усталари ҳаёти ва ижоди, маънавият, маърифат масалалари хусусида бўлди. “Қандай қилсакки, бадий адабиёт, китоб, китобхонлик мамлакатнинг, айниқса, ёш авлоднинг ҳаёт мазмуни, зиёлилик манбаи ва омилига айланса, ўзбек йигит-қизининг юраги адабиёт билан тегса, қони бадийи мутлоаалардан жўш урса, Ватан туйғуси, миллат дарду ташвиши умру жонининг бир узвиға, тарқибига айлansa, ўзининг Ўзбекистонга дахлдор эканидан қувонса, иф-

тарғиб қилиш ҳамда Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Хўжкатда ёшлар, жумладан, талабалар ва ўқувчилар ўртасида атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг адабиётга қизиқишини янада ошириш, рағбатлантириш, шунингдек, янги барпо этилган Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш борасидаги келгуси вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, Адиблар хиёбонида ҳайкаллари ўрнатилган атоқли ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш учун олий таълим муассасалари бириктириладиган бўлди. Атоқли адиблар номидаги махсус стипендиялар ва кўкрак нишонларни жорий қилиш асослари, тартиби, ушбу стипендиялар ва кўкрак нишонларни тақдирлаш мезонлари, стипендияларни тўлаш муддатлари ва миқдорини, кўкрак нишонларининг тавсифини назарда тутувчи атоқли адиблар номидаги махсус стипендиялар ва кўкрак нишонларни тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди.

Айтиш мумкинки, хиёбон маънавий жиҳатдан кенг қамровли бўлиб, катта мақсадларга хизмат қилмоқда. Олий таълим муассасаларида шоир ва ёзувчилар ҳаёти ҳамда ижодини чуқур ўрганишни самарали ташкил этиш, ёшларнинг адабиётга қизиқишини янада ошириш, уларни китоб ўқишга даъват этиш ва шу асосда қалбда ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш мақсадида худди шу кун Вазирлар Маҳкамасинининг “Илҳом” мукофотини таъсис этиш тўғрисида”-ги қарори эълон қилинди. Бу эса ёш ижодкорларга берилган яна бир кенг имконият бўлди.

2021 йил 20 май. Адиблар хиёбони эрта тонгдан адабиёт ихлосмандлари билан гавжум. Турли тадбирлар, мушоиралар, учрашувлар давомида “Илҳом” танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади. Мазкур танловда республикамиздаги барча олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ва фаолият юритаётган ёшлар иштирок этиб, ижодини, адабиёт борасидаги билимининг имтиҳондан ўтказиш имконига эга бўлишади. Саралаш натижаларига кўра, 74 та олий таълим муассасаси томонидан жами 176 нафар номзоднинг ижодий ишлари танловнинг республика босқичига тавсия этилди.

“Илҳом” мукофоти учун танловда 1-ўринни кўлга киритган ёш ижодкор “Spark” автомобили, махсус диплом ва статуеткага эга бўлади. 2-ўрин соҳибига ўттиз миллион сўм пул мукофоти, махсус диплом ва статуетка, 3-ўринни эгаллаган иштирокчига эса ўн беш миллион сўм пул мукофоти, махсус диплом ва статуетка тантанали тақдим этилади.

Ўтган вақт мобайнида боғ ҳам, хиёбон ҳам бирдек фусункорлик касб этди. Ўзбекистоннинг, ўзбекнинг миллий боғида барпо бўлган адабиёт бўстони аро эндиликда маънавий сабоқлари жаранглайверади. Энг муҳими, бу ерга шунчаки кўнгил ёзиш эмас, кўнгиллардан баҳра олиш, улардан қайнаб чиқаётган илму маърифат булоқларининг шаффоф сувларидан қониб-қониб ичиш учун келинади.



диган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буюрадиган ҳар томонлама гўзал ва бетакор масканга айлантириш, маънавий ҳаётимизда учмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштиришдан иборат эди.

Хўжкатда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи мустақиллик йилларида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан тобора чирой очиб бораётгани, 1991 йили Миллий боғ ҳудудида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкали барпо этилиб, ўтган давр мобайнида улуғ аждодимиз тараннум этган юксак гуманистик ғояларга ҳамоҳанг равишда аниқ меъморий режа асосида кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётгани қайд этилди.

Унга кўра, хиёбоннинг меъморий-ғоявий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Махмувий тарзда бажарилган бунёдкорлик ишлари натижасида пойтахтимиз марказидаги Адиблар хиёбонининг

энди-энди одим ташлаб кириб келаётган ёш ижодкорлар учун ғоятда зарур. Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси айни шу жиҳатлари билан мантиқан Адиблар хиёбониға туташиб кетган. Қад ростлаган муқташам иншоот, унинг нури хона ва заллари қўлиға қалам тутган ижодкорларға ҳамиша мунтазир. Мушоира ўтказасизми, учрашувлар ташкил этасизми, давра суҳбатлари бўладими, тақдироту ҳоказо тадбирларми, марҳамат, ижодий кайфият бахш этувчи барча шарт-шароит муҳайё.

2017 йил 3 август. Президентимиз шу кун мамлакат ижодкор зиёлилари билан катта учрашув ўтказди. Адабиёт, санъат, маънавият, маданият мавзулари ҳақида очиқ мулоқот қилинган тадбирда давлатимиз раҳбари таъкидлаган қўйидаги сўзлар келгуси ишлар учун дастуруламал вазифасини ўтади: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз,

тихор туйса” каби мулоҳазалар билдирилди.

— Президентимизнинг кўп йиллик орзулари самараси ўлароқ бунёд этилган пойтахтимиздаги Адиблар хиёбониға қадам қўйишингиз билан бошқа ҳаводан нафас олаётгандек бўласиз, — дейди академик Наим Каримов. — Бу, неча асрлардан бери инсониятнинг руҳий оламини мусаффо ҳис-туйғулар, орзу-интилишлар билан мунаввар этиб келаётган адабиёт гулшанининг ҳаётбахш ҳавосидир. Адабиётга муҳаббат қўйган, Гомердан тортиб Фирдавсийгача, Навоийдан тортиб Пушкингача, Чўлпондан тортиб Абдулла Орифгача бўлган адабиётда меҳр қўйган киши борки, бу ҳавонини малҳам ўрнида қабул қилади. Шу маънода, бу гўшани чинакам адабиёт гулшани, маънавият ва маърифат ўчоғи дейиш, таъбир жоиз бўлса, Учинчи Ренессанс остонасига қиёслаш мумкин.

2020 йил 24 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини ёшлар ўртасида

РИЗҚИНГНИ ҲАЛОЛ ЭТГИЛ

УСТОЗ ЭРКИН ВОҲИДОВ ШЕЪРИГА
ТАЗМИН МУХАММАС



Сирожиддин
САЙИД,
Ўзбекистон
халқ шоири

Тонларға салом айтиб, дунёни хаёл этгил,
Ўзбекча калом айлаб, умрингни савол этгил.
Меҳнат била ком айлаб, касбингни камол этгил,
Ғайратни мудом айлаб, ғафлатни завол этгил,
Уйқуни ҳаром айлаб, ризқингни ҳалол этгил.

Меҳнатда завол бўлмас, меҳнатда камол бўлгай,
Меҳнатда малол бўлмас, ҳар лўкма ҳалол бўлгай,
Ғар лўкма ҳалол бўлгай, ул шаҳд ила бол бўлгай,
Ғайратни мудом айлаб, ғафлатни завол этгил,
Уйқуни ҳаром айлаб, ризқингни ҳалол этгил.

Мажнунга савол булким: Лайло нега тол ўлмас?
Қомат нега дол бўлгай, шамшод нега дол ўлмас?
Офтоб — сени чеҳрандай, қош нега ҳилол ўлмас?
Ғайратни мудом айлаб, ғафлатни завол этгил,
Уйқуни ҳаром айлаб, ризқингни ҳалол этгил.

Уйқу била кечган дам, ҳар лаҳза увол ўтгай,
Ғар лаҳза увол ўтгай — умринага завол ўтгай,
Умрингни, увол ўтгай — ҳар лаҳза савол ўтгай.
Ғайратни мудом айлаб, ғафлатни завол этгил,
Уйқуни ҳаром айлаб, ризқингни ҳалол этгил.

Огоҳ бўлу, огоҳ бўл, сен тарки хаёл айла,
Сен тарки хаёлу фол, ҳам тарки малол айла,
Сувнинг оқишин кўргил — умрингга мисол айла.
Ғайратни мудом айлаб, ғафлатни завол этгил,
Уйқуни ҳаром айлаб, ризқингни ҳалол этгил.

Ҳар лаҳзаки бедордир — ҳар лаҳза Биру Бордир,
Ҳар лаҳзаки бекордир — ўлимга биродардир.
Ҳар лаҳзаки, бой бердинг — мине йилга баробардир,
Ғайратни мудом айлаб, ғафлатни завол этгил,
Уйқуни ҳаром айлаб, ризқингни ҳалол этгил.

